



## КОРПОРАТИВ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ТАЪСИРИ

*и.ф.д., проф. Абдуллаев Зафаржон*  
Тошкент амалий фанлар университети  
ORCID: 0000-0002-4827-1040  
[zafarjon1808@mail.ru](mailto:zafarjon1808@mail.ru)

**Аннотация.** Ушбу мақолада корпоратив фойда солиғи ставкасининг инвестициялар ва ишлаб чиқариш ўсишига таъсири кўриб чиқилган. Таҳлил натижаларига кўра, самарали корпоратив солиқ ставкасини пасайтириш инвестициялар ва ишлаб чиқариш ҳажмига ижобий таъсири кўрсатиши аниқланган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида тегишли хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** корпоратив солиқ, солиқ ставкаси, самарали солиқ ставкаси, инвестиция, хусусий капитал, қарз капитали.

## ВЛИЯНИЕ КОРПОРАТИВНОГО НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ

*д.э.н., проф. Абдуллаев Зафаржон*  
Ташкентский университет прикладных наук

**Аннотация.** В данной статье рассмотрено влияние ставки корпоративного налога на рост инвестиций и производства. Согласно результатам анализа, снижение эффективной ставки корпоративного налога оказывает положительное влияние на объем инвестиций и производство. На основе проведенного анализа сформулированы соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** корпоративный налог, налоговая ставка, эффективная налоговая ставка, инвестиции, собственный капитал, заёмный капитал.

## IMPACT OF CORPORATE TAXATION

*DSc, prof. Abdullaev Zafarjon*  
Tashkent University of Applied Sciences

**Abstract.** This article examines the impact of the corporate tax rate on investment and production growth. According to the analysis, reducing the effective corporate tax rate has a positive impact on investment and production. The corresponding conclusions are drawn based on the analysis.

**Keywords:** corporate tax, tax rate, effective tax rate, investment, equity, debt capital.

### Кириш.

Ҳар қандай иқтисодий жараён каби, солиққа тортиш корхона фаолиятига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади, аммо барибир бу таъсир кўпроқ даражада корхонанинг ривожланишига, товарлар, ишлар ва хизматлар сифатини оширишга олиб келиши мумкин. Корпоратив солиқ корхона фаолиятини самарали тартибга солувчи инструментлардан бири ҳисобланиб, корпоратив фойдага солиқ солишни оптималлаштириш корхоналар хусусий капиталга инвестициялар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келади. Корпоратив солиқларни камайтириш тарафдорлари иқтисодчи олимлар солиқ ставкаларининг пастлиги иқтисодий ўсишни кучайтиради, деб таъкидладилар. Бошқа гуруҳ иқтисодчи олимларининг фикрича эса, корпоратив солиқларни камайтиришнинг иқтисодиётнинг сезиларли ўсиш кучайтирувчи таъсири амалга ошишига шубҳа уйғотади. Дарҳақиқат, сўнгги 40 йил ичида дунё бўйлаб корпоратив фойда солиғи ставкаларининг пасайиши ва корпоратив солиқ базасининг ўсиши кузатилган, аммо турли мамлакатларда турли даражада амалга оширилган (Devereux, Lockwood and Redoano, 2008). Ривожланган мамлакатларда корпоратив солиқ ставкалари охириги йигирма йил ичида сезиларли даражада камайган бўлиб, умуман олганда, солиқ ставкаларини пасайтиришнинг сабаби солиқ рақобати жараёни бўлиб, бунда мамлакатлар капитал оқимини жалб қилиш учун корпоратив фойда солиқ ставкаларини камайтириш орқали бир-бири билан рақобатлашади. Бундай таклифлар кенг қўллаб-қувватланишига қарамай, корпоратив даромад солиғи ставкасини пасайтиришнинг бизнес фаолиятига таъсирини бевосита баҳолайдиган эмпирик тадқиқотлар нисбатан кам амалга оширилган.

### Адабиётлар шарҳи.

Корпоратив фойда солиғи бизнесни молиялаштириш структурасига сезиларли таъсир кўрсатади. Корпоратив фойда солиғи тизимида қарзларнинг фоиз тўловлари харажат сифатида олиб ташланиши мумкинлиги сабабли, корпорациялар фаолиятини акцияларни чиқариш орқали улушли молиялаштириш эмас, балки облигациялар орқали қарзли молиялаштириш афзал ҳисобланади. Натижада бу корпоратив солиқ тизимидаги улушли ва қарзли молиялаштиришдаги солиқ дискриминациясига олиб келади. Айрим хорижий давлатлар облигациялар ва акциядорлик жамиятларига тенг солиқ юкини тақсимлаш учун корпоратив солиққа тортишнинг асоси сифатида фоиздан аввалги даромадга солиқ солиш тизимидан фойдаланадилар. Корпоратив фойда солиқ тизими орқали келиб чиқадиган корпоратив қарзга мойиллик, компаниялар учун ҳаддан зиёд қарз маблағлари жалб қилинишига олиб келади ва молиявий инқироз даврида уларнинг молиявий барқарорлиги кескин пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, хусусий капиталга нисбатан қарзга мойиллик иқтисодиёт тармоқларини, айниқса, молиявий секторнинг беқарорлигига олиб келади (Admati, DeMarzo, Hellwig and Pfleiderer, 2013). Корпоратив солиқларнинг инвестициялар ва тадбиркорликка таъсири ҳам давлат молияси, ҳам ривожланишнинг марказий масалаларидан биридир. Бу таъсир нафақат солиқ сиёсатини баҳолаш ва ишлаб чиқиш, балки иқтисодий ўсиш таъминлаш учун ҳам муҳимдир. Охириги ўн йилликда АҚШда тадбиркорлик капиталини жамғариш даражаси ҳақида ташвиши кучайган. Айрим кўрсаткичлар бўйича фонд бозорида корпоратив активларни баҳолашнинг кескин пасайиши билан бирга капитал жамғариш суръатининг кескин пасайиши кузатилган. Кўпгина иқтисодчилар ва солиқ сиёсатини амалга оширувчилар АҚШнинг корпоратив солиқ тизими жиддий ислохотга муҳтожлигини таъкидлашган ва корпоратив солиқнинг 35 фоизлик ставкаси ривожланган давлатлар орасида энг юқори қонунчилик билан белгиланган ставкаси бўлиб, буни корпоратив солиққа доир ислохотни амалга ошириш учун даллил сифатида кўрсатишган. Юқори ставкани федерал бюджетга сезиларли таъсир

кўрсатмайдиган тарзда ҳал қилиш учун кўплаб таклифлар корпоратив солиқ базасини кенгайтириш орқали пасайтирилган ставкаси асосида тўлайдиган даромадларни нейтраллаштиришни таклиф қилинган. Бундай таклифларнинг кенг қўллаб-қувватланишига қарамай, нисбатан кам сони олиб борилган эмпирик тадқиқотларда корпоратив фойда солиғи ставкасини пасайтиришнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини тўғридан-тўғри баҳолашга муваффақ бўлинган (Ohrn, 2018). Жумладан, Ohrnнинг (2018) таъкидлашича, корпоратив фойда солиғи ставкасининг 1 фоиз пунктга пасайиши хусусий капиталга инвестицияни 4,7 фоизга оширади, тўловлар ҳажмининг 0,3 фоизга ўсишига ва қарзларни умумий активларга нисбатан улушини 5,3 фоизга камайтиришга олиб келади. Ушбу эмпирик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, корпоратив солиқ ставкаларининг пасайиши ва тезлаштирилган амортизация йўқотилган даромаднинг ҳар бир долларига инвестицияларнинг шу миқдорда ўсишини рағбатлантиради. Simeon ва бошқалар (2010) томонидан 2004 йилда 85 та мамлакатдаги корпоратив фойда солиғининг самарали ставкасини таъсирини баҳолаш бўйича олиб борилган эмпирик таҳлилларда бир қатор мамлакатларда корпоратив солиқнинг самарали ставкаси жами инвестициялар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва тадбиркорлик фаолиятига катта салбий таъсир кўрсатиши келтириб ўтилган. Масалан, самарали корпоратив солиқ ставкасини 10 фоизга ошириш ялпи инвестицияларнинг ЯИМга улушини 2 фоиз пунктга камайтиради. Корпоратив солиқ ставкалари ҳам ўсиш билан салбий боғлиқ ва норасмий иқтисодиёт ҳажми билан ижобий боғлиқдир. Юқорида келтирилган эмпирик таҳлилларнинг натижаси корпоратив фойда солиғининг юқори самарали ставкаси ишбилармонлик муҳити ҳамда иқтисодий ривожланиш учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Компанияларга малакали ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромаднинг белгиланган фоизини солиққа тортиладиган даромаддан чегириб ташлаш имконини беради. Умумий қилиб олганда, корпоратив фойда солиғи ставкаларининг пасайиши инвестициялар ва тўловларни кўпайиши ва қарз капиталидан фойдаланишни камайтиришга олиб келади. Корпоратив солиқ ставкаларининг пасайиши натижасида келиб чиқадиган даромадларнинг ҳар қандай ўсиши солиқдан қочиш фаолиятининг камайтириши эмас, балки инвестициялар каби реал таъсирларнинг маҳсули ҳисобланади.

Илмий изланишлардаги муҳокамаларнинг аксарияти солиқларни камайтиришнинг даромадни қайта тақсимлаш таъсирига, хусусан, яъни акциядорларга тўланадиган дивидендлар, акцияларни қайтариб сотиб олишнинг ҳажмининг ўсишига ва ходимларга тўланадиган бонуслар ёки иш ҳақининг ошишига қаратилган. Бироқ, корпоратив фойда солиғи ставкасини пасайтиришнинг иқтисодий таъсирини таҳлил қилиш компанияларнинг солиқ тўлашдан кейинги даромадларини қандай тақсимлашга қарор қилишидан кўпроқ натижаларни жумладан, солиқ ставкасини пасайишини корпорациялар доимий солиқ имтиёзлари сифатида қабул қилган ҳолда ўз ҳулқ-атворларини қандай ўзгартиришини акс эттириши лозим. Аксарият иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, корпоратив фойда солиғи ставкасини пасайтириш корпоратив ҳулқ-атвор учун турли оқибатларга олиб келиши мумкин. Корпорациянинг солиқ тўлашдан кейинги даромадларининг ошиши тақсимлаш таъсирида намоён бўлиши мумкин. Узоқ муддатли истиқболда солиқ ставкаларининг пастлиги корпорацияларнинг инвестиция сиёсатига таъсири анча муҳимроқдир. Акциялар улуши ортиши, капитални бюджетлаштириш мезонларини қондириш учун кўпроқ потенциал инвестицияларга олиб келади, бу корпорацияларга потенциал инвестициялар узоқ муддатли истиқболда акциядорларни бойитиши мумкинлигини англатади. Бироқ, корпоратив солиқ ставкасини пасайтиришнинг учинчи самараси аналитик моделларнинг эътиборини тортмаган кўринади. Бу солиқ ставкаси ўзгартирилса, ноаниқлик шароитида корпорациянинг ишлаб чиқариш қарорига таъсир қилади


(Mantell, 2019). Шунингдек, Mantellнинг (2019) фикрича, фирма рискка мойил бўлмаса, солиқ ставкасининг пасайиши оптимал ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб келади. Агар фирма рискка бефарқ бўлса, унинг оптимал ишлаб чиқаришига солиқ ставкасининг ўзгариши таъсир қилмайди. Фирма рискка мойил бўлса, солиқ ставкасининг пасайиши оптимал ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келади.

### Тадқиқот методологияси.

Мақолада корпоратив фойда солиғи ставкасини пасайишини тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши ва инвестициялар ҳажмини ўсишига таъсирлари бўйича илмий адабиётлар кўриб чиқилган. Амалга оширилган эмпирик таҳлил натижаларида корпоратив фойда солиғи ставкасининг пасайтириш тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига, қарз капиталининг қисқаришига ва ишлаб чиқаришни ўсишига олиб келиши аниқланган. Корпоратив фойда солиғи ставкасининг инвестициялар ҳажми ва бизнес фаолиятини ривожланишига таъсирини ўрганишда, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тасвирий статистика, анализ, илмий мулоҳаза каби таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Корпоратив солиқ ставкалари тўғрисидаги маълумотда бирон бир маълум бир тарсоқ ёки даромад турига боғлиқ бўлмаган умумбелгиланган стандарт солиқ ставкаси келтирилган. Агар мамлакатларда прогрессив корпоратив солиқ тизими мавжуд бўлса, максимал чегаравий солиқ ставкаси киритилган. 2000 ва 2024 йиллар оралиғида корпоратив солиқ ставкаларининг пасайишининг аксарияти 10% га тенг ёки ундан юқори ва 30% дан паст солиқ ставкаларида рўй берган (1-расм).




**1-расм. Корпоратив фойда солиғи ставкаларининг ўзгариши**  
(Corporate Tax Statistics, 2024)

Жумладан, солиқ ставкалари 10% миқдорида ёки ундан юқори ва 30% дан паст бўлган мамлакатлар сони 39 та 104 тага ошган ёки деярли уч баравар кўпайган ва солиқ ставкалари 10% миқжорида ёки ундан юқори ва 20% дан паст бўлган мамлакатлар сони /8 тадан 32 тагача ёки тўрт баравар ортган. Корпоратив фойда солиғи бўйича 2024 йилги маълумотларда қамраб олинган 143 та мамлакатлардан 25 тасида 2024йилда корпоратив солиқ ставкалари 30% га тенг ёки ундан юқори бўлган,

Колумбия ва Малтада эса энг юқори корпоратив солиқ ставкаси 35,0% ни ташкил этган.

Ушбу даврда солиқ ставкаларининг умумий пасайиш тенденциясига қарамай, 2000-2024 йиллар давомида жуда паст стандарт солиқ ставкаси кўрсаткичи 10% дан паст бўлган мамлакатлар сони анча барқарор бўлиб қолган. 2000 йилда стандарт солиқ ставкаси кўрсаткичи 10% дан кам бўлган 16 та ва 2024 йилда бу чегарадан паст бўлган 14 та мамлакатлар мавжуд.

Корпоратив солиқ доирасида икки томонлама солиқ солинмаслик шартномалри мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш ва ривожлантиришда муҳим рол ўйнаши мумкин. Улар буни икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ортиқча солиққа тортишни бартараф этиш, хорижий инвестицияларга нисбатан дискриминацион солиқ режимидан ҳимоя қилиш ва солиқ тўловчилар учун солиқ режимининг аниқлигини таъминлаш орқали чегаралараро хизматлар савдоси ва инвестицияларига солиқ тўсиқларини камайтириш орқали амалга оширадilar. Икки томонлама солиқ солинмаслик шартномалари ушбу мақсадларнинг баъзиларига эришишнинг бир усули - бу маълум даромадларга қўлланилиши мумкин бўлган ушлаб қолинадиган солиқларни чеклашдир. Сўнгги йилларда маълумотлар тўпламидаги 144 та мамлакатларда шартномалар сони сезиларли даражада ошган бўлиб, 1990 йилда бу мамлакатлар орасида атиги 1008 та шартнома тузилган бўлса, 2024 йилда эса бу кўрсаткич деярли 4850 тани ташкил этган (2-расм).




**2-расм. Корпоратив фойда солиғи доирасидаги келишувлар**  
(Corporate Tax Statistics, 2024)

Бироқ, сўнгги йилларда солиқ шартномаларининг ўсиши динамикаси барқарорлашган бўлиб, 2017-2024 йиллар давомида маълумотлар базасига атиги 294 та қўшимча шартномалар киритилган. Бу даврда янги икки томонлама солиқ шартномаларнинг миқдорининг ўсишидаги камайиш, шартномалар билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар ҳали ҳам содир бўлмаганлигини англатмайди, масалан, кўплаб

мамлакатлар ўртасида кўп томонлама келишувлар амалга оширилган ва кўплаб шартномалар протокол орқали ўзгартирилган.

Амалга оширилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, OECDга аъзо бўлмаган мамлакатларда OECDга аъзо бўлган мамлакатларига қараганда камроқ икки томонлама солиқ солинмаслик тўғрисидаги шартномалар тузилган. Минтақалардаги мамлакатлар бўйича икки томонлама солиқ солинмаслик шартномаларининг ўртача сонидан сезиларли ўсиш кузатган бўлса-да, бу ўсиш OECD мамлакатлари орасида юқори бўлган. Маълумотлар таҳлиliga кўра, шартнома асосидаги тўлов манбасидан ушлаб қолинadиган солиқ ставкалари миллий қонунчиликда белгиланган тўлов манбасидан ушлаб қолинadиган солиқ ставкаларидан анча паст бўлиб, умуман олганда, икки томонлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги шартномалар асосидаги тўлов манбасидан ушлаб қолинadиган солиқ ставкалари сезиларли даражада 5% дан пастлиги аниқланган.

Корпоратив фойда солиғи тадбиркорлик фаолиятида ҳал қилувчи омил ҳисобланиб, фойдадан юқори ставкадаги солиқ тўловлари соф фойдани, жумладан келажакдаги инвестициялар ва бизнесни ривожлантириш учун пул оқимини камайтиради. Корпоратив фойдани солиққа тортиш тизими тадбиркорлик фаоллигини ошириб, хорижий ва маҳаллий инвестициялар ўсишини рағбатлантиради. Инвестициялар оқимини ўсиши компанияларга ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигини оширишга имкон беради, бу уларга келажакда фойдани максимллаштириш имкониятини яратади (Bizna ва бошқалар, 2018). Жумладан, 2000 йилдан кейинги даврда Эстония ва Латвиядаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўртасида катта фарқланиш юзага келган. Бунинг сабабларидан бири Эстонияда тақсимланган фойдани солиққа тортиш тизими кўшни бўлган давлатларга нисбатан солиқ рақобатдошлигида устунлик берган ва инвестиция оқимини кескин ўсишига олиб келган. Эстония корпоратив солиқ тизими Латвияда қўлланиладиган ялпи фойдани солиққа тортиш тизимига нисбатан фарқланади ва фақат инвестиция ва хусусий капитални оширишга йўналтирилмаган фойдага солиқ солинади. Охириги 20 йилликда Эстония давлатига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 11,33 бараварга ўсган (3-расм).



3-расм. Болтиқбўйи давлатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар динамикаси, млн.АҚШ долларларида (World Investment Report, 2023)

Эстония давлатига глобал инвестицион оқимлари фаоллашган бўлиб, 2001 йилда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ЯИМга нисбати улуши 53% дан ортиқ бўлиб, Латвияда бу кўрсаткич 2022 йилда деярли 61% ни, Литвада эса 48% дан ортиқни ташкил қилган. Худудларда инвестицияларни тўплаш жараёнига Болтиқбўйи мамлакатларида инвестиция муҳитининг яхшиланиши муҳим ўрин тутган. Барча Болтиқбўйи давлатлари OECDга аъзо мамлакатлари орасида биринчи ўнталикка кирган: Эстония 6, Литва 7, Латвия 9-ўринни эгаллаган (Четверикова, 2023). Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар корхоналарнинг активлари сифати ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Эстонияда тақсимланган фойда бўйича корпоратив фойда солиғининг таъсирини таҳлили натижаларига кўра, солиқ ислоҳоти амалга оширилгандан сўнг корхоналарнинг ликвидлиги Латвия ва Литва билан солиштирилганда ўртача 2% га, кичик фирмалар учун бу кўрсаткич 2 баравар ортган. Тадбиркорлик субъектларининг жами активларидаги мажбуриятларига таъсири ҳам ижобий бўлиб, ўртача 5,7 фоизга камайганлиги аниқланган. Эстониядаги бизнес субъектларининг ликвидлик кўрсаткичи 2 фоизга ўсган ва умумий активлардаги тақсимланмаган фойданинг улуши Латвия ва Литва билан солиштирилганда 8,1 фоизга ўсган. Ўтказилган тадқиқотларда Латвияга нисбатан соф савдо айланмаси Эстонияла 10,7 фоизга юқорилиги, аҳоли жон бошига соф савдо ҳажми 3,9 бараварга кўпайган, бу нафақат бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигига, балки меҳнат унумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланган.

Мамлакатлараро олиб борилган эмпирик таҳлиллар натижасида юқори самарали корпоратив солиқ ставкаларининг корпоратив инвестициялар ва тадбиркорликка катта ва сезиларли салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Агар бошқа солиқ ставкаларини, шу жумладан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ҚҚС ва реализацияга солиқларини ҳисобга оладиган бўлсак, солиқнинг маъмурий юкини ҳисобга олган ҳолда бу таъсир кучли бўлиши мумкин. Шунингдек, юқори самарали корпоратив фойда солиғининг таъсири хизматлар соҳасига эмас, балки ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг камайиши, норасмий иқтисодийнинг кенгайиши ва хусусий капиталдан кўра қарз капиталига кўпроқ боғлиқлик билан характерланади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Корпоратив фойда солиғини оптималлаштиришга нафақат “фискал” давлат бюджети тушумларини ошириш нуқтаи назаридан, балки иқтисодийнинг барқарорлигини ошириш ва юқори даражадаги рисклар боғлиқ фаолиятини тартибга солиш инструменти сифатида қараш лозим.

Амалган оширилган эмпирик таҳлил натижасида самарали корпоратив солиқ ставкалари корпоратив инвестициялар ва тадбиркорлик фаолиятига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Агар бошқа солиқ ставкаларини, шу жумладан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ҚҚСни солиққа риоя қилиш чоралари, мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тартибга солиш ёки иқтисодий ривожланиш, ташқи савдога очиқлик ва инфляция учун назорат қилсак, бу таъсир кучли бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Корпоратив солиқ ставкаларининг пасайиши натижасида даромаднинг ҳар қандай ўсиши солиқдан қочиш фаолиятининг камайиши эмас, балки инвестициялар каби реал таъсирларнинг маҳсулидир.

Корпоратив фойда солиғи ставкасини пасайтиришнинг иқтисодий таъсирини таҳлил қилишда корпоратив ҳулқ-атвор муҳим омиллардан ҳисобланади. Корпоратив солиқ ставкасини пасайтиришнинг оптимал ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга ижобий таъсири фақат рискка мойил бўлган фирмаларни рағбатлантириши мумкинлиги тахмин қилинади.

Корпоратив солиқларнинг камайиши халқаро солиқ рақобатини кучайтиришни рағбатлантирган ҳолда, сезиларли иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиши мумкин.

**Адабиётлар/ Литература/Reference:**

Admati, A., DeMarzo P., Hellwig M. and Pfleiderer P. (2013). *Fallacies, Irrelevant Facts, and Myths in the Discussion of Capital Regulation: Why Bank Equity is Not Socially Expensive*. Working paper, Stanford University.; de Mooij, R., M. Keen and M. Orihara. 2013. *Taxation, Bank Leverage, and Financial Crises*. Working paper, International Monetary Fund.

Bizņa Valentīna & Jurušs Māris & Laizāns Tālis & Šnikvalds Roberts, (2018). "Assessment of Impact of Corporate Income Tax Suspension on Financial Performance of Businesses," *Economics and Business, Sciendo*, vol. 32(1), pages 172-181.

Corporate Tax Statistics, (2024). [https://www.oecd.org/en/publications/corporate-tax-statistics-2024\\_9c27d6e8-en.html](https://www.oecd.org/en/publications/corporate-tax-statistics-2024_9c27d6e8-en.html).

Devereux, M. B., B. Lockwood, and M. Redoano (2008). *Do countries compete over corporate tax rates?* *Journal of Public Economics* 92, 1210-1235; Heimberger, P. 2021. *Corporate tax competition: A meta-analysis*. *European Journal of Political Economy* 133(3), 102002.

Mantell, E. H. (2019). *A Theory of the Effect of Corporate Income Tax on the Optimal Output of a Firm Facing an Uncertain Demand*. *Advances in Social Sciences Research Journal*, 6(4) 187. <https://journals.scholarpublishing.org/index.php/ASSRJ/article/view/6479/3865>.

Ohrn E., (2018). *The Effect of Corporate Taxation on Investment and Financial Policy: Evidence from the DPAD*. *American Economic Journal: Economic Policy*, American Economic Association, vol. 10(2), page. 272. <https://pubs.aeaweb.org/doi/pdfplus/10.1257/pol.20150378>.

Simeon Djankov & Tim Ganser & Caralee McLiesh & Rita Ramalho & Andrei Shleifer, (2010). *The Effect of Corporate Taxes on Investment and Entrepreneurship*. *American Economic Journal: Macroeconomics*, American Economic Association, vol. 2(3), pages 31-64.

World Investment Report (2023). [https://unctad.org/system/files/official-document/wir2023\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2023_en.pdf).

Четверикова А.С., (2023). Трансформация инвестиционных связей стран прибалтики и Польши. *Вестник Института экономики Российской академии наук* № 4. С. 181–196. <https://vestnik-ieran.ru/index.php/component/jdownloads/send>.